

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил ноябрь ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Камолов, судья ёрдамчиси С.Муродовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Икромов, гумонланувчи [REDACTED], жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] нисбатан 1-2101-2204/316-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1986 йил 15 апрель куни Бухоро вилояти, Олот туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, Навоий вилояти Перинатал марказда навбатчи ҳамшира, муқаддам судланмаган, Навоий шаҳар Ёшлик кўчаси 83б-уй, 14-хонадонда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмишни содир қилганликда гумонланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилинган.

Суд, гумонланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарнинг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг фикрини тинглаб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Гумонланувчи [REDACTED], 2022 йил 07 сентябрь куни соат 07:40 ларда, тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлмасдан туриб, турмуш ўртоғи [REDACTED] тегишли бўлган “Нексия 3” русумли, 85 А 619 КА давлат белгили автомашинада, Навоий шаҳар ҳудудида жойлашган Нурафшон кўчаси 15-уйнинг олд томонидан ўтувчи ички кўча йўлидан “Т” симон йўл кесишмасига ҳаракатланиб кириб келишда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 12.04.2022 йилдаги 172-сонли Қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидаларининг” 8-банди “Ҳайдовчи тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлиши шарт”эканлиги, 11-банди “г” кичик бандида “Ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши керак”лиги ҳамда 77-бандида “Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши



мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги кўрсатиб ўтилган бўлишига қарамасдан, ушбу қоидаларга амал қилмасдан, автомашина руль бошқарувида чалғиб, ҳушёрликни йўқотиб, ўзига нисбатан чап томондан асосий йўлдан фуқаро [REDACTED] бошқарувида бўлган “Кобальт” русумли, 85 W 404 DA давлат белгили автомашина ҳаракатланиб келаётганлигини кўриб, ушбу автомашина билан тўқнашиб кетмаслик мақсадида руль бошқарувини ўнг томондаги пиёдалар йўлагига ҳаракатлантирганлиги натижасида, пиёдалар йўлагидан ҳаракатланиб кетаётган пиёда, вояга етмаган Хайруллаева Сабина Ибодулла қизини автомашинасининг олд қисми билан уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисасини содир қилган, Мазкур йўл транспорт ҳодисаси натижасида 2007 йилда туғилган пиёда, вояга етмаган [REDACTED] РСТЭИАМ Навоий филиалининг 21.09.2022 йилдаги №1919/155-сонли судга оид тиббий экспертизаси хулосасига кўра, “ўртача оғирликдаги тан жароҳати” гуруҳига кирувчи тан жароҳати олган.

Ўзининг юқоридаги ҳаракати билан [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда гумонланиб судга берилган.

Судда, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, ундан гумонланувчи [REDACTED] кечирим сўрагани, етказилган зарарларни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан даъвоси йўқлиги, ўзаро ярашгани, ярашув ихтиёрий бўлиб, ҳеч ким тазйиқ ўтказмагани, суд ярашувни тасдиқласа иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунарли эканини билдириб, [REDACTED] оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Судда, гумонланувчи [REDACTED], айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчининг қонуний вакили Ҳ.Садирова билан ўзаро ярашгани ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини билдириб, ўзига оид жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] ва гумонланувчи [REDACTED] ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси [REDACTED] жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, гумонланувчининг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ҳамда гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчининг қонуний вакили ҳамда гумонланувчи хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ашувга тушишини инобатга олиб, Г.Насиллоевага нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.



Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили Ҳ.Садировага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан гумонланган [REDACTED]

[REDACTED] оид жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми ва ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига асосан, унинг айблилик ҳақида масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

[REDACTED] эҳтиёт чораси қўлланилмаганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили [REDACTED] мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича етказилган зарар қопланганлиги эътироф этилсин.

Жиноят ишига илова қилинган 2 (икки) дона DVD дисклар жиноят иши материалларига қўшиб сақлансин.

Ажримдан норози томонлар 20 (йигирма) сутка ичида Навоий вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест келтиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**М.Камолов**

